

Янги Ўзбекистон ёшларини Олимпия ҳаракатининг эзгу ғоялари асосида бирлаштирган спорт байрами

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни Олимпия шаҳарчасидаги стадионда Президент Олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.



Катта спорт байрамига чорлов мусиқа-си янгради. Стадионга ҳудудий саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган спортчилар ва жамоалар, жаҳон, Осиё ва Олимпия уйинлари чемпионлари чиқиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

— Бугун Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган мана шу муаззам Олимпия шаҳарчасида сизлар билан бирга Президент Олимпиадаси уйинларига старт бермоқдамиз. Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган, бутун юртимиз ёшларини олимпия ҳаракатининг эзгу ғоялари асосида бирлаштираётган ушбу спорт байрами барчамизга муборак бўлсин! — деди давлатимиз раҳбари.

Ислохотларнинг илк кунлариданоқ барча соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги саккиз йилда бюджетдан спортга берилаётган йиллик маблаг 250 миллиард сўмдан 3 триллион сўмга ошди, спорт мураббийларининг ўртача маоши 7 баробар кўпайди, 250 дан зиёд йирик спорт объектлари янгидан қурилди, 100 га яқини реконструкция қилинди.

Маҳаллаларда, айниқса, чекка-чекка қишлоқларда 2 мингга яқин спорт майдончалари барпо этилди, 14 та Олимпия ва Паралимпия марказлари тўлиқ замонавий инфратузилма билан таъминланди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Президент Олимпиадаси уйинларининг очилиш маросимидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам фахрийлар, устоз ва мураббийлар, азму шижоатли ўғил-қизларим!

Хурматли меҳмонлар!

Бугун сизлар билан Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган мана шу муаззам Олимпия шаҳарчасида Президент Олимпиадасига старт берамиз.

Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган, бутун юртимиз ёшларини Олимпия ҳаракатининг эзгу ғоялари асосида бирлаштираётган ушбу спорт байрами барчамизга муборак бўлсин!

Азиз дўстлар!

Биз ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ барча соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратяпмиз. Сўнгги саккиз йилда бюджетдан спортга берилаётган йиллик маблаг 250 миллиард сўмдан 3 триллион сўмга ошди; тренерларнинг ўртача маоши 7 баробар кўпайди; 250 дан зиёд йирик спорт объектлари янгидан қурилди, 100 га яқин объект реконструкция қилинди; маҳаллаларда, айниқса, чекка-чекка қишлоқларда 2 мингга яқин спорт майдончалари барпо этилди,

уларнинг сонини ҳар йили 500 тага ошириб бораёмиз; 14 та олимпия ва паралимпия марказлари тўлиқ замонавий инфратузилма билан таъминланди.

Бу ишларимиз юртимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиши ва спортни юксак даражада ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши учун мустаҳкам замин яратмоқда. Жумладан, Париж Олимпия ва Паралимпия уйинларида мард ва баҳодир спортчиларимиз чинакам жасорат кўрсатиб, 13-ўринни эгаллаганликлари ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ана шундай зафарли юришининг давоми сифатида жорий йилда ёшларимиз Жаҳон универсиада-сида 13-ўринни, Баҳрайнда ўтказилган Ёшлар ўйинлари ва Саудия Арабистонидаги Ислам бирдамлиги мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгаллади.

Айниқса, ўғил-қизларимиз жаҳон, Осиё ва Олимпия уйинларида 50 дан ортиқ рекорд натижаларга эришгани юртимизнинг халқаро Олимпия ҳаракатидаги ўрни ва нуфузини яққол кўрсатиб турибди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритгани

халқимиз 34 йил кутган тарихий воқеа бўлди.

Шу кунларда шахмат бўйича жаҳон кубоги ярим финалида бир пайтнинг ўзида 2 нафар шахматчимиз қатнашди. Ҳозиргина хушхабар олдик. 19 ёшли халқаро гроссмейстеримиз Жавохир Синдоров Ҳиндистонда ўтаётган мазкур нуфузли турнирда ғалаба қозониб, жаҳон кубогини қўлга киритди. Энди у жаҳон тожи учун даъвогарлар турнирида иштирок этади ва бундай натижалар бутун халқимизни албатта қувонтиради.

Ҳеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг спорт тарихини ана шундай юзлаб иродаси

мустаҳкам, жасур ва матонатли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизларимиз яратмоқда.

Бундай қаҳрамон спортчиларимизга шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг боши узра Ватанимиз байроғи ҳамиша мағрур хилпираб турсин!

Хурматли тадбир иштирокчилари!

Албатта, эришилган натижалар ўзимизники. Энг муҳими, изилшни ва ҳаракатдан тўхтаб қолмаслигимиз керак.

Давоми 2-бетда



Хушхабар



ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИ ҒОЛИБИ!

Президентимиз маросимдаги нутқини тўхтатиб, қувончли янгилик — юртошимизнинг ғалабасини эълон қилди ва чемпионни қутлади. Йигилганлар ҳам Жавохирни олқишладилар.

Давлатимиз раҳбари шахмат бўйича Жаҳон кубоги ғолиби билан телефон орқали сўзлашиб, уни тарихий ғалаба билан табриклади.

Кеча давлатимиз раҳбари Олимпия шаҳарчасига ташриф буюриб, Президент Олимпиадаси спорт мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этаётган паллада дунё узра бир хушхабар тарқалди: “Ўзбек ўғлони Жавохир Синдоров шахмат бўйича Жаҳон Кубоги ғолиби!”.

— Ушбу буюк ғалаба билан чин дилдан табриклайман. Сен ўзбек ўғлони, янги Ўзбекистон фарзанди нималарга қодир эканини дунёга кўрсата олдинг. Сендек фарзандим борлиги билан фахрландим. Илоҳим, ғолиблик йўли бардавом бўлсин, — деди давлатимиз раҳбари.

ШАТРАНЖ

Хаёт шатранж тахтасида турфаранг, Ҳар юришининг халойиққа ёд бўлғай. Ақлу юрак кучи билан қилсанг жанг, Рақибларинг бўғзи тўла “дод” бўлғай.

Ёлғизман деб ўйга толма зиёда, Қувват ол эл қалбидаги зиёдан, Манзил сари етиб борган пиёда Фарзин бўлғай, керак чоғи от бўлғай.

Асов филдай ташланса ким пишқириб, Тузук қўйса ё хуфиёна иш қилиб, Мардона тур, довдирама, ишқилиб, Бобонг закий Темур каби зот бўлғай.

Шахзодасан, бек ўғлисан, тўрасан, Кимнинг қони тоза — дилдош, жўрасан, Ҳақким, дея, олтин тожни сўрасанг, Аждодларинг тирик руҳи шод бўлғай.

Эй, тенги йўқ Жавохирим, Нодирим, Қалтис дамда йўл топишга қодирим, Тўғри юрсанг — бузилмағай хотирим, Надомату пушаймонлик ёт бўлғай.

Қўлни қўлга бериб турса хар сипоҳ, Навкардай қад кериб турса хар сипоҳ, Пиёдага яқин токи одил шох, Қалъа бутун, ғалаба бот-бот бўлғай.

Уйғонди-ку бутун ёди ўзбекнинг, Зафар тўла хотироти ўзбекнинг, Руҳи баланд, кишнар оти ўзбекнинг, Ким йўлини тўсиб чиқса, мот бўлғай!

Нодир ЖОНУЗОҚ

Давоми 2-бетда

ЭНДИ ОЛАМ АҲЛИНИНГ ҚАРАШЛАРИ ЎЗГАЧА



Янги Ўзбекистон руҳи



1

Одамзоднинг ақли шошадиған эврилишлар юз берапти бугун она Ватанимиз Ўзбекистонда. Юз берганда ҳам шу қадар тез, шу қадар кўп ва бир-биридан шу қадар гўзалки, бургутдай учиб, шамолдай чопиб-елганинда ҳам етмайсан, етолмайсан. Шошиб қолсан қай бирдан гап бошлашни билмай — билолмай.

Олис ўтган замонларни-ку, қўверинг, улар жуда узоқ, Лекин бундан бор-йўғи ўн-ўн беш йил аввалги манзарани бир кўз олдингизга келтиринг-а? Нечта хорийий мамлакат раҳбари келарди йил ўн икки ой ичида Ўзбекистонга? Бўлармиди дунё аҳлини маҳлиё қилгучи бир-биридан мўътабар мажлис мавҳаратлар? Помиру Ҳисор тоғлари сингари елкама-елка турармиди қадим Турону Туркистон баҳодирлари? Олтин занжир ҳалқалари каби боғланганимди бири бири билан улар? Бир мушт, бир вужудга айланганимди?

Эҳ!.. дейсиз. Дейсиз-у, ортидан бир дарё афсус, бир олам ифтихор, бир дунё гурур юрагингизга шиддат билан оқиб киради. ЮНЕСКОдек машҳур ташкилотнинг салкам эллик йиллик тарихида илк бор Париж қароргоҳидан чиқиб, тўғри Самарқандга келиши, келганда ҳам бир замонлар испан элчиси Клавихони лол қолдирган азим кентда юз эмас, беш мингга яқин етти иқлимнинг машҳур олим уламолари иштирокида жаҳоний ташвишлар муҳокама қилиниши, улуг тантананинг изи совимай Марказий Осиё ва Жанубий Кавказнинг олти давлат Президентларининг олий минбарда бир тоғ каби туришлари... Олти оғайни иттифоқига қараб туриб, нигоҳлари севинч ёшларига тўлаётган шодумон кўзлар ва аламдан бўзариб-ўзғариб кетаётган юзлар...

Шундай кутлуг воқеалар қаторида қурраи заминда ягона бўлмиш Ислам цивилизацияси марказидек бебаҳо мажмуанинг қуриб битказилиши; пештоқида Ҳумо тимсоли яраклаб турган янги Тошкент аэропортининг ишга тушгани; Самарқандда Имом Бухорий мақбараси; Фарғонада, Термизда, Наманганда, Нукусда, қўйингки, мамлакатимизнинг ҳамма-ҳамма шаҳару қишлоқларида бунёд этилаётган янги-янги корхоналар, боғлар, хибонлар...

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Дунёда барча соҳалар қатори спортда ҳам қандай кескин кураш ва рақобат кечаётганини ҳаммамиз кўриб туримиз. Бу эса нуфузли халқаро спорт мусобақалари, жумладан, Олимпия ўйинларига тайёргарлик тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Бу ишларни энг қўйи бўлган маҳалладан бошлаш учун жорий йил беш босқичли оммавий спорт мусобақалари тизимига 15 миллион аҳоли қамраб олинди.

Адаптив спортга берилаётган эътибор тўғрисида сўнгги уч йилда параспортчилар сони қарийб 7 карра ошиб, 70 мингдан ортқ ногиронлиги бор шахслар оммавий спортга жалб этилди.

Соҳани рақамлаштириб, шаффоф тизим яратганимиз ҳисобидан барча 10 мингта мактаб ва 9 мингта маҳалладаги ўғил-қизларимиз ўз салоҳиятини намоён қилиш имконига эга бўлди.

Энди энг иқтидорли ёшларни селекция қилиш ва уларни катта спортга йўналтириш бўйича мутлақо янги тизим — Президент Олимпиадаси ўйинларини бошлагимиз.

Мусобақанинг туман ва вилоят босқичларида умумтаълим мактабларидаги спорт тўғрараклари, хусусий спорт клублари ва 310 та спорт мактабидан 100 мингдан ортқ ёшларимиз иштирок этди.

Вилоят ҳокимлари ўзлари бош бўлиб, жойларда энг юқори натижага эришган 3 мингдан зиёд ўғил-қизларимизни Президент Олимпиадасига олиб келди. Улар спортнинг 10 та йўналиши бўйича ўзаро беллашувларни бошлади. Ғолиблар махсус совринлар ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Энг асосийси, улар терма жамоаларга тўғридан тўғри йўналтирилади.

Аъло даражадаги тайёргарликни давом эттириш учун улар Олимпия ва Паралимпия марказларига қабул қилинади ҳамда ҳар бирага стипендия берилади.

Бир сўз билан айтганда, бундан буён ҳар йили ўтказиладиган Президент Олимпиадаси янги иқтидорларни кашф қилиб, самарали селекция тизимига айланади.

Келгуси йилдан бошлаб сув спорти, велоспорт, триатлон, қиличбозлик ва жамоавий ўйинлар бўйича ҳам мусобақалар ўтказилиб, Президент Олимпиадасидаги спорт турлари 20 тага етказилади.

Спорт вазирлиги, Олимпия кўмитаси, спорт федерациялари Президент Олимпиадасининг ҳар бир босқичига халқаро спорт талабларини тўлиқ татбиқ қилади; юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун тренерларни замонавий методология ва ёндашувлар асосида ўқитиш тизимини йўлга қўяди; мусобақа натижаларини очик ва шаффоф баҳолаш учун ҳакамларнинг салоҳиятини ошириб боради.

Вилоят ҳокимлари спорт турларидан келиб чиқиб, спорт мактаблари ва тўғраракларидаги шaroитларни яхшилаб, замонавий инвентарлар билан тўлиқ таъминлайди; ҳар йили камида 10 тадан маҳаллада замонавий спорт залларини қуриб, хусусий спорт клубларининг бошқарувига беради.

Хабарингиз бор, келгуси йил 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида жаҳон чемпионати ҳамда 2029 йилда Ёшлар Осиё ўйинлари Ўзбекистонда ўтказилади.

Бугунги тадбиримиз бўлиб ўтаётган ушбу мухташам Олимпия шаҳарчаси, жойларда барпо этилаётган замонавий спорт инфратузилмалари мана шундай нуфузли халқаро турнирларни юксак савияда ташкил этиш учун катта замин яратмоқда. Бундай йирик мусобақалар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, катта маҳорат мактаби бўлади, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада оширади.

Президент Олимпиадаси тизими эса ҳеч шубҳасиз, бундай мусобақаларга жаҳоир спортчиларни танлаб олишга, хусусан, 2028 йилда Лос-Анжелесда ўтадиган Олимпия ўйинлари учун ҳар бир ҳудуддан лицензиялар сонини кўпайтиришга хизмат қилади.

Келгусида уларнинг орасидан Баҳоидир Жалолов, Улуғбек Рашидов, Диёра Келдиёрова, Акбар Жўраев каби жаҳон ва

Олимпия чемпионолари албатта етишиб чиқишига ишонаман.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Дошишмандлар айтганларидек, иродаси кучли инсон, халқ ва миллатни енгиб бўлмайди.

Айниқса, спорт қандай буюк куч, қандай юксак ўрнат ва намуна эканини бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган сиз, хурматли спортчиларимиз, соҳа фахрийлари, устоз-мураббийлар яхши биласиз.

Агар сизлар ўзингиздаги катта тарбиявий салоҳият ва ҳаётий тажрибани ёшларимизга сингирсангиз, уларни билимли ва ақлли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшсангиз, сизлардан халқимиз ҳам, Президент ҳам миннатдор бўлади. Чунки турли зарарли гоё ва таъсирлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда ёш авлодимизни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мен бу борада спортни тарбиядан, тарбияни эса спортдан айри ҳолда тасаввур этилмайдиган сиздек хурматли спортчилар, фахрийларимиз ва устоз-мураббийларга таянаман.

Азиз спортчи ўғил-қизларим!

Ҳеч қачон унутманг, сизлар мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган Президент Олимпиадаси қатнашчиларисиз. Ана шундай ном билан тарихга кирасиз. Ушбу юксак мақомага муносиб бўлиб, барчангиз маҳорат, ҳалоллик ва жасорат намуналарини кўрсатасиз деб ишонаман.

Спортнинг мураккаб ва масъулиятли йўлида зимнатда ҳали азиз Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, уни жаҳонга тараннум этишдек буюк вазифалар турибди.

Ана шундай улуғ ва муқаддас бурчини адо этишга ҳозирдан тайёр бўлинг!

Излашингиз, ўрганиш ва чиқинчида ҳеч қачон тўхтаманг!

Доимо шижоат ва қатъият билан, дадил олға босарингиз!

Бу йўлда давлатимиз, Президент сизлар учун барча зарур шароитларни яратиб беради.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ ОЛИМПИА ХАРАКАТИНИНГ ЭЗГУ ҒОЯЛАРИ АСОСИДА БИРЛАШТИРГАН СПОРТ БАЙРАМИ

Бошланиши 1-бетда

Бу ишлар юртимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиши ва спорт юксак ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Жумладан, Париж Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мард ва баҳоидир спортчиларимиз чинакам жасорат кўрсатиб, 13-ўринни эгаллади. Ана шундай зафарли юришнинг давоми сифатида жорий йилда ёшларимиз жаҳон универсиадасида ҳам 13-ўринни, Баҳрайнда ўтказилган Ёшлар ўйинлари ва Саудия Арабистонидаги Ислам бирдамлиги мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгалладилар.

Айниқса, ўғил-қизларимиз жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинларида 50 дан ортқ рекорд натижаларга эришгани юртимизнинг халқаро Олимпия ҳаракатидаги ўрни ва нуфузини яққол кўрсатиб турибди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатида йўлланмани кўлга киритгани халқимиз 34 йил кутган тарихий воқеа бўлди.

— Ҳеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг спорт тарихини юзлаб иродаси мустаҳкам, жасур ва матонатли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизларимиз яратмоқда. Ана шундай қаҳрамон спортчиларимизга шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг боши ҳизр Ватанимиз байроғи ҳаминша мағрур қилпираб турсин! — деди Президентимиз.

Бугунги кунда дунёда барча соҳалар қатори спорт олимпиада ҳам кескин кураш ва рақобат кечаётгани таъкидланди. Бу эса нуфузли халқаро спорт мусобақалари, жумладан, Олимпия ўйинларига тайёргарлик тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Бу ишларни энг қўйи бўлган маҳалладан бошлаш учун жорий йил беш босқичли оммавий спорт мусобақалари билан 15 миллион аҳоли қамраб олинди. Адаптив спортга берилаётган эътибор тўғрисида сўнгги уч йилда параспортчилар сони қарийб етти карра ошиб, 70 мингдан ортқ ногиронлиги бор шахслар оммавий спортга жалб этилди.

Соҳани рақамлаштириш ва шаффофлигини ошириш ҳисобига барча 10 минг мактаб ва 9 минг маҳалладаги ўғил-қизлар ўз салоҳиятини намоён қилиш имконига эга бўлди.

Энди энг иқтидорли ёшларни селекция қилиш ва уларни катта спортга йўналтириш бўйича мутлақо янги тизим — Президент Олимпиадаси ўйинлари бошланмоқда.

Мусобақанинг туман ва вилоят босқичларида умумтаълим мактабларидаги спорт тўғрараклари, хусусий спорт клублари ва 310 та спорт мактабидан 100 мингдан ортқ ёшларимиз иштирок этди.

Энг юқори натижага эришган 3 мингдан зиёд ўғил-қизлар Президент Олимпиадасига келди. Улар спортнинг 10 та йўналиши бўйича ўзаро беллашувларни бошлади.

Ғолиблар махсус совринлар ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Энг асосийси, улар терма жамоаларга тўғридан тўғри йўналтирилади.

Аъло даражадаги тайёргарликни давом эттириш учун улар Олимпия ва Паралимпия марказларига қабул қилинади ва ҳар бирага стипендия берилади.

Бир сўз билан айтганда, бундан буён ҳар йили ўтказиладиган Президент Олимпиадаси янги иқтидорларни кашф қилиб, самарали селекция тизимига айланади.

Келгуси йилдан бошлаб, сув спорти, велоспорт, триатлон, қиличбозлик ва жамоавий ўйинлар бўйича ҳам мусобақалар ўтказилиб, Президент Олимпиадасидаги спорт турлари 20 тага етказилади.

2026 йилда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Жаҳон чемпионати ҳамда 2029 йилда Ёшлар Осиё ўйинлари Ўзбекистонда ўтказилади.

— Бундай йирик мусобақалар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, катта маҳорат мактаби бўлади, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатида халқаро обрў-эътиборини янада оширади. Президент Олимпиадаси тизими эса ҳеч шубҳасиз, бундай мусобақаларга жаҳоир спортчиларни танлаб олишга, хусусан,

2028 йилда Лос-Анжелесда ўтадиган Олимпия ўйинлари учун ҳар бир ҳудуддан лицензиялар сонини кўпайтиришга хизмат қилади, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мушхабарни эълон қилиш учун нутқида танаффус қилди. Шахмат бўйича Жаҳон кубоғи финалида гроссмейстеримиз Жаҳоидир Синдоров ғалаба қозонгани ҳақидаги янгилик гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.

Сўзини давом эттирар экан, Президентимиз спортнинг тарбиявий аҳамиятига тўхталиб ўтди. Турли зарарли гоё ва таъсирлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда ёш авлодимизни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Мен бу борада спортни тарбиядан, тарбияни эса спортдан айри ҳолда тасаввур этилмайдиган сиздек хурматли спортчилар, фахрийларимиз ва устоз-мураббийларга таянаман, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Олимпиада иштирокчиларига омад ва зафарлар тилади.

Стадионга Ўзбекистон байроғи олиб чиқилди ва кўтарилди, мамлакатимиз мадҳияси ижро этилди.

Олимпия машъаласи ёқилиб, катта спорт байрами бошланди. Тадбир театрлаштирилган маданий дастур билан давом этди.

Маросимдан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев шахматчимиз Жаҳоидир Синдоров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари гроссмейстеримизни Ҳиндистонда ўтган шахмат бўйича Жаҳон кубоғида эришган ғалабаси билан ўз номидан ва барча юртдошларимиз номидан қизгин табриқлаб, ушбу тарихий воқеа бутун халқимизни қувонтирганини таъкидлади. Ёш спортчимизга келгуси йилда Кипрда бўлиб ўтадиган Давьогарлар турнирида муваффақиятлар тилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АББАЛБОВЕВ,
Ўза махсус муҳбирлари

“Жаҳоидир Синдоров шу пайтгача ФИДЕ жаҳон кубоғини ютган энг ёш (19 ёш) чемпион бўлиб тарихга кирди!”

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОҒИ ҒОЛИБИ!

Бошланиши 1-бетда

Ўз навбатида Жаҳоидир Синдоров бу ғалаба келгусидаги янада улкан зафарларнинг бошланиши эканига умид билдириб, жаҳон шахмат тожини ҳам Ватанимизга олиб келамиз деб ваъда берди. Яратилган имконият ва кўрсатилаётган эътибор учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

Жаҳоидир Синдоров шу пайтгача ФИДЕ жаҳон кубоғини ютган энг ёш (19 ёш) чемпион бўлиб тарихга кирди!

Ҳиндистоннинг Гоа шаҳри мезбонлик қилган ФИДЕ жаҳон кубоғи — 2025 финалида Жаҳоидир хитойлик Вей Йига қарши

баҳсни ўз фойдасига ҳал қилди. Энг муҳими, келаси йили март ойида Кипрда ўтказиладиган номсодлар турнирида иштирок этиш учун расмий йўлланмани ҳам кўлга киритди.

Дунёнинг 200 дан ортқ сара шахматчиси бош соврин учун курашган мусобақа давомида Жаҳоидир Синдоров Никита Петров (Черногория), Николас Теодору (Греция), Ю Янги (Хитой), Фредрик Сване (Германия), Хоце Мартинес Алькантара (Мексика), Нодирбек Ёқуббоев (Ўзбекистон) каби шахматчиларни енгиб, финалга чиққан эди.

Музаффарлик муборак бўлсин, Жаҳоидир!



ЎЗАРО ТУШУНИШ ВА ИШОНЧ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРНИ БИРГАЛИҚДА ҲАЛ ЭТИШГА ИНТИЛИШ ИФОДАСИ

Минтақамиз билан боғлиқ кейинги пайтлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий воқеаларни кузатар эканмиз, Марказий Осиё жуда қисқа муддатда туб ўзгаришларни бошдан кечирганига гувоҳ бўламиз. Халқаро эксперт ва мутахассислар хулосасига кўра, минтақа ўз қиёфаси, имижини шакллантириш ва у ҳақидаги тасаввурларни мутлақо ўзгартирди.

Яқингача мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда ҳал этилмаган муаммолар кўп эди. Бугун эса улар ўрнини ўзаро тушуниш, ишонч ва барча давлатлар олдига турган муҳим вазифаларни бирга ҳал этишга интилиш эгаллади.

Беш мамлакат раҳбарларининг сиёсий ҳамфирклиги тўғрисида Марказий Осиё яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик маконига айланди. Минтақа барқарор ҳамда изчил ривожланаётган, иқтисодий ва инвестициявий фаоллик марказига айланиш йўлига қатъий қадам қўйган ҳудуд сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон бугун Марказий Осиё минтақасини ташқи сиёсатидаги энг асосий устувор йўналиш сифатида белгиламоқда. “Тинч, иқтисодий жиҳатдан раванқ топан Марказий Осиё бизнинг энг муҳим мақсадимиз ва бош вазифамиз”, деб таъкидлаган эди Президентимиз 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида. Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш таклифини илгари сурди ва бу ташаббус минтақа мамлакатлари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Орадан кўп вақт ўтмай, 2017 йил ноябрда БМТ шафелигида Самарқандда “Марказий Осиё: ягона ўтмиш ва умумий келажак” мавзусида юқори даражадаги халқаро конференция бўлиб ўтди. У минтақавий ҳамкорлигининг янги формати учун мустаҳкам асос яратди.

Бугун Марказий Осиё оддий географик ҳудуд эмас, балки ўз тақдирини мустақил белгилай оладиган ва глобал даражада



таъсир кўрсатадиган, жадал ривожланаётган минтақага айланди. 10 йиллар олдин имконсиздай туюлган жараёни бугун ҳаққоний воқелик сифатида кўрамиз. Минтақада кузатилаётган ижобий ўзгаришлар қудратли давлатларнинг ҳам қизиқишини оширмоқда. “Марказий Осиё плюс” формати яратилгани, у минтақадан ташқаридаги иштирокчиларнинг позициясини мувофиқлаштириш имконини бераётгани фикримиз тасдиқидир. Бундай форматдаги ўндан зиёд мулоқот ўтказилди. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё — Хитой”, “Марказий Осиё — Россия” ва “Марказий Осиё — АҚШ” саммитлари шулар жумласидан.

Минтақавий ҳамкорлигининг янги босқичдаги ёрқин уюлқлардан бири чегара масалаларининг тўлиқ ҳал этилганидир. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлат чегаралари туташган нукта тўғрисидаги шартнома ҳамда Хўжанд декларацияси имзолангани тарихий воқеа бўлди. Бу келишув билан ўзаро чегараларнинг бутун параметри ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Ушбу жараён томонлар сиёсий иродига эга ва мурсосага тайёр бўлган жойда энг мураккаб масалаларни ҳам самарали ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди.

Сув-энергетика соҳасида ҳам муайян натижаларга эришилди. Қамбарота ГЭС-1, Ёвон ва Фондарё ГЭСлари лойиҳалари, шунингдек, Тошкент ва Ўшкент ўртасида Чашма булогиндан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги келишув минтақадаги мамлакатларнинг ўзаро ишончи ҳамда ресурсларни адолатли тақсимлай олишини намоёниш этмоқда.

Гуманитар соҳада ҳам изчил ривожланишни қузатиш мумкин. Фўқароларнинг ID карталар орқали эркин ҳаракатланиши, чегара олди савдоси йўлга қўйилиши, таълимий, маданий алоқалар кенгайиши — буларнинг барчаси ягона маконга дахлдорлик тўғрисида шакллантирмоқда. Натижада минтақада ички туризм улуши 80 фоиздан ошди. Янги транспорт йўналишлари эса фўқароларга осон ҳаракатланиш, дўстона ришталарни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Сўнгги саккиз йилда Марказий Осиё мамлакатлари ялли ички махсулоти деярли 2,5 баробар ошиб, 520 миллиард долларга етди. Ташқи савдо ҳажми эса икки баробардан кўпроққа ортиб, 253 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, минтақаларо ўзаро савдо ҳам икки баробар ошиб, 11 миллиард долларга яқинлашди. Ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробар кўпайди.

Ўзбекистоннинг минтақадаги давлатлар билан товар йалланмаси 2016 йилги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларгача ўсиб, уч баробар ошди. Қўшма корхоналар сони эса 1800 дан ортган.

Жорий йил 16 ноябр кўни Президентимиз расмийлашди Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Кун тартибига мувофиқ, минтақавий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда устувор соҳаларда қўшма лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади ва қатор таклифларни илгари сурди. Ҳамкорлик механизмлари ва шартномавий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини янги сифат босқичига кўтариш, юқори технологияли минтақавий инфратузилмалар ва транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш, минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, иқлим ўзгариши ва сув ресурслари тақчиллигини енгилатиш шулар жумласидан.

Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича қўшма баёнот, Қирғиз Республикасининг 2027-2028 йилларда БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг муваққат аъзолигига номзоди юзасидан БМТга аъзо давлатларга мурожаат, Озарбайжон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида тўла ҳуқуқий аъзо сифатида иштирок этиши тўғрисидаги қарор, Марказий Осиёда минтақавий

ҳавфсизлик ва барқарорлик концепцияси, Марказий Осиё ҳавфсизлигига ҳатарларнинг каталоги ва уларнинг олдини олиш бўйича 2026-2028 йилларга мўлжалланган чоралар каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур форматта Озарбайжоннинг қўшилиши муҳим геосиёсий воқеа бўлди.

Биринчи навбатда, бу қарор минтақа билан Каспий ҳудуди ўртасидаги боғлиқлиқни мустаҳкамлаб, энергетика, транспорт ва савдо лойиҳалари учун ягона платформа, шунингдек, Жанубий Кавказ билан биргаликда янги геосиёсий минтақани яратди.

Иккинчидан, форматнинг кенгайиши Кавказ ва Туркия йўналишида ҳам Европа томон учун янги коммуникация йўлакларини очди.

Учинчидан, жадал ривожланаётган, дипломатик ва логистик салоҳиятга эга Озарбайжоннинг қўшилиши бутун минтақавий механизмнинг нуфузини оширади.

Мазкур саммит Президентимизнинг минтақада ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва прагматик ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган оқилона ва аниқ ҳисоб-китоби асосланган сиёсати самарасидир.

Давлатимиз раҳбари илгари сураётган очкилик, тенг ҳуқуқлиқлик, ўзаро манфаат таъминлашга таянган ҳамкорлик модели бутун Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ушбу саммитида эришилган натижаларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, аввало, Президентимизнинг саммит арафасида эълон қилинган “Марказий Осиё янги давра олдига” мақоласи иштирокчилар учун жуда бир муҳим ижобий, конструктив муҳит яратганини алоҳида қайд этиш керак, — дейди Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ташқи сиёсат бўйича маслаҳатчиси Абдулазиз Комилов. — Айтиш мумкинки, тадбир кун тартиби мана шу асосда шакллантирилди. Яна бир муҳим жиҳат. Тадбирда БМТ Бош котибининг таъбир мактуби ўқиб эшиттирилди. Унда бугунги Марказий Осиё жараёнлари турли давлатлар учун ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, мулоқот нуқтаназаридан намуна бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Шунингдек, форматта Озарбайжоннинг қўшилиши Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ битта геосиёсий, геоиқтисодий минтақага айланишини аниқлади.

Учрашувда бир-бирига яқин таклифлар билдирилди. Бу Марказий Осиё давлатларининг яна биришлб, битта куч бўлиб, халқаро майдонда ягона минтақавий овозда гаплашиб, ўзини намоён қилишига асослар етарли эканини кўрсатади.

Расмий Тошкент мезбонлик қилган саммитни Марказий Осиёнинг сифат жиҳатидан янги, минтақавий ҳамкорлик форматида ўтишини белгилаб берган тарихий воқеа деб ишонч билан айтиш мумкин.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

“Асрлар давомида нигоҳларни маҳлиё қилган макон сўнгги йилларда бутунлай қайтадан дунёга келди. Ҳа, онадан қайта туғилгандек бўлди гўё. Менинг эмас, олти юз мингдан ошiqқ аҳли Ургутнинг қалб сўзи, кўнгил боғларида улғайган фахру эътирофи бу. Ургутнинг иккинчи ҳаёти бошланди ўтаётган қисқа йилларда. Шу йилларда йигитдек кучга тўлди, ўсди, улғайди, обод бўлди.




Абдусайд КҶЧИМОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Ўтаётган шу йилнинг ўзида 40 дан зиёд нуфузли халқаро анжуманларнинг ташкил этилгани ва икки кун аввал Самарқанд вокзалидан йўлга чиққан учқур поезднинг Зарафшон дарёси ёқалаб, Жомбой ва Булунгур туманлари орасидан шамолдай олиб, Ургутга кириб бориши... Инсон зоти ишонмас эди бундан ўн йил аввал шу гапни бировга айтсанг — Ургутга поезд келади, десанг. Ургутнинг тарихий китобига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган мислсиз тарихий воқеа эди бу!

25 ноябрь 2025 йил. Олтин кузнинг янги бир кун. Ёшлар, аёллар, вилоят нурунийлари, Тошкент шаҳридан келган меҳмонлар ўтирган поездга Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев чиқиб келди.



ЭНДИ ОЛАМ АҲЛИНИНГ ҚАРАШЛАРИ ЎЗГАЧА

— Самарқанд — Ургут йўлини кура бошлаганимизга ҳали бир йил ҳам бўлмади, — деди вагондагилар билан бирма-бир қўл бериб саломлашар экан Президент. — Мана, бугун ишлар якунига етди. Бундай ютуқлар чўқур ўйланган сиёсатимиз, бораётган йўлимиз тўғрилигини кўрсатади. Бугун кечагидек яшашга ҳаққимиз йўқ. Ҳар куни тинмай изланмасак, меҳнат қилмасак, бошқалардан орқада қоламиз. Ургутга поезд билан бирга маданият, маърифат, иқтисод кириб боради. Мамлакатимизнинг бошқа жойларида ҳам курамыз янги поезд йўлларини. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” халқаро темир йўлини қуриш вазифаси турибди олдимизда. Шу режа амалга охса, Озарбайжон орқали Европага, Хитой бозорларига тўғри чиқиш имкониятига эга бўламиз.

Секин жойидан кўзгалган поезд шаҳардан чиққан тезлигини оширди.

— Бугун мен Ургутга қуруқ қўл билан эмас, катта маблағ ва йирик режалар билан боряпман, — давом этди мамлакатимиз раҳбари. — Ургутда ҳали ишга солинмаган имкониятлар жуда кўп. Ургут неча минг йиллик тарихга эга бўлган манзил...

Дарҳақиқат, Ургут — илдизлири мингминг асрлик тарихга эга кўҳна кўрғон.

Шохли Искандар босқинидан то шўрларнинг талон-таровларигача ҳамма азоб-уқубатларни бошидан ўтказган макон. Чиннидек тоза ҳаволари, карч-карч чўққилари осмонга қадалган тоғлари, тоғлар кучоғидаги жаннатмонанд боғлари билан азал-азалдан одамларнинг ҳавасини келтиргувчи диловар замин.

Шу жойда, Амир Темир ҳазратлари от ўйлатиб лозлар қирларида сайр қилган, боғлар барпо этган, Бобур Мирзо чашмалари бўйида майсаларга ёнбошлаб дилбар ғазаллар битган Ургутни X асрда яшаган араб тарихчиси ибн Ховқал қанчалар меҳр билан таърифлаганини бир эшитиб кўринг-а: “Самарқанднинг жанубида Шовдор тоғлари жойлашган. Самарқанд атрофида бу бўлусчалик киши саломатлиги учун тоза ҳаволи маскан, серҳосил экинзорлар, энг яхши мевазорлар йўқ. Кишилارнинг қадди келишган, ёрут юзли. Тоғлари гўзал. Далалари доимо ишлатиб турилади”.

Асрлар давомида нигоҳларни маҳлиё қилган макон сўнгги йилларда бутунлай қайтадан дунёга келди. Ҳа, онадан қайта туғилгандек бўлди гўё. Менинг эмас, олти юз мингдан ошiqқ аҳли Ургутнинг қалб сўзи, кўнгил боғларида улғайган фахру эътирофи бу. Ургутнинг иккинчи ҳаёти бошланди ўтаётган қисқа йилларда. Шу йилларда йигитдек кучга тўлди, ўсди, улғайди, обод бўлди. Ўн эмас, юзлаб йирик, жуда йирик корхоналар бунёд қилинди. Ургутда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса шу ўн йилликда дунёга чиқди, дунё одамларининг эътиборига тушди. Ўн йил аввал вино тайёрловчи, тамакини ферментация қилувчи завод ва музқаймоқ билан кулчилик цехларидан бошқиси бўлмаган манзил мамлакатимизнинг саноати энг ривожланган туманлари қаторидан жой эгаллади.

Бугун кимдир сизга “Ургутда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсаси ишлаб чиқариляпти”, деса сира ҳайрон бўлманг. Ҳадемай “Ургутда сунъий одамлар яратилибди, улар Қизил сайёрани обод қилаётган эмишлар”, деган гаплар ҳам қўлөнгинизга чалиниб қолиши мумкин...

Мумкин! “Модомики, Ургутимизнинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдек аллома меъмори бор экан, — дейишди ургутликлар гўрурга тўлиб. — Биз учун биронта ҳам бўлмайдиган иш, ишғол қилинмайдиган чўққи қолмайди!”. Зеро, “Бўлмайди. Бўлиши мумкин эмас!”, деганлари тугул, афсоналарда учрамайдиган мумтоз ўзгаришлар ҳам бўлди-да, ахир Ургутда. Бугун ҳам бўляпти, янаям шиддат билан давом этади бундан кейин ҳам.

Ўрни келганда изоҳлаш лозимки, ургутликларнинг “Ургутимизнинг меъмори — Ўзбекистон Президенти” деган эътирофлари оддий сўз эмас, бир олам ҳақиқат бор унинг замирида. Вилоят ҳокими вазифасида



ишлаётган кезларида тумандаги муаммоларни чўқур ўрганган Шавкат Мирзиёев ҳали Президентликка номзод бўлиб турган кунлардаёқ Ургут ташишлари билан яшади. Ўша пайтда қуриган шуволарни шамоллар коптокдай думалатиб-ўйлатиб юрган адир ва тошлоқ ерларда “Ургут” эркин иқтисодий

зонаси ташкил этилди. Саккиз йилда 860 миллион долларлик 74 та лойиҳа ишга тушди. Юзлаб ишсизлар ишли бўлди. Иш қидириб хорижга кетган юзлаб эркак-аёллар оиласи бағрига қайтиб келди. Қатор-қатор кўп қаватли уйлар қурилиши натижасида неча юзлаб оилалар уйли-жойли бўлди.

Тасаввурингиз бундан-да тиниқроқ бўлиши учун битта мисол келтирай. Туманда “Fete Group” номли корхона бор. Дастлаб хориждан келтирилган бутловчи буюмлар асосида бир неча турдаги маиший техника воситаларини йиғиш билан ўз фаолиятини бошлаган корхона бугунга келиб, музлаткич, газ плита, кичик печь, чангюткич, дудбурон ва бошқа уй-рўзгор буюмлари, темир эшиклар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёдаги йирик компаниялардан бирига

— Тадбиркорни қўллаб-қувватламасдан янги Ўзбекистонни барпо қила олмаимиз, — деди Президентимиз. — Агар сизлар тинимсиз изланиб, бирлашсангиз, Самарқандда камбағал деган қатлам қолмайди. Сиз, Ўзбекистон номини жаҳонга танитишдек шарафли имкониятга эгасиз.

Яна бир гап, Президентимиз ташаббуси билан дунёга келган ва Ўзбекистон номини жаҳонга танитаётган бундай корхоналар туманда оз эмас.

Давлатимиз раҳбарининг нияти эса Ургутни янада кўркам ва обод кўриш. Шу боис, ҳар бир ташрифда ўнлаб ташаббуслар қанот ёзади.

Бу сафар туманининг Қуйи Камангарон маҳалласидаги “Янги Ўзбекистон” массивига туташ 90 гектар майдонда замонавий урбанизация талаблари асосида 100 минг аҳолига мўлжалланган экошаҳар барпо этиш ҳақидаги хушхабар эълон қилинди. Шу ҳабар янграётганда, Ургут поезди Самарқанддан кўзгалган пайти Президентимизнинг мана бу сўзлари эсимга тушиб кетди:

— Ургутга қандай-қандай аниқ режалар, катта совғалар билан бораётганимни биласизми? — деган эди давлатимиз раҳбари. — Ҳали борганда айтаман, эшитасизлар, дея сирли кулиб қўйган эдилар.

Самимий табассум “сир”лари воқеалар жараёнида ёрқин кўринди.

— Янги шаҳарда йўл, сув, канализация, электр, мактаб, богча, шифохона ва бошқа инфратузилма объектлари қурилади, тадбиркорлик лойиҳалари амалга оширилади, — дея давом этди Президентимиз. — Бу юмушларни амалга ошириш учун 50 миллион доллар ажратилади.

Янги шаҳарнинг 3 гектар майдонидида туманининг 35 та ташкилоти учун ягона маъмурий марказ қурилади.

55 километрлик Ургут — Самарқанд темир йўлининг ишга туширилиши мазкур ишларни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўнлаб маданий-маиший, савдо объектлари қад кўтради темир йўл бўйларида. Янги уйлар қурилади. Неча юзлаб иш жойлари яратилади.

Ташриф давомидаги учрашувларда, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз томонидан Ургутнинг келажакига доир яна ўнлаб йирик лойиҳалар тилга олинди. Вилоят иқтисодиёти ва ҳаётига доир режалар тузилди. “Йўл ҳариталари”ни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

4 Бундай шодийналарга юзма-юз келганда севинчинг ичингга сиғмай кетади. Овозинг борича ҳайқиринг келади тоғларнинг баланд чўққиларига чиқиб. Икки қатор мисрани қоралаш-қояйлашга қўбиллати борлар эса билмай қолади қандай қилиб шеърлар тўқиб юборганини:

Дўстлар, бу кун дунёнинг қарвонари ўзгача,
Қарвонарини оқ-қора сарбонлари ўзгача.
Баъзиларни давёсои, титратайдир самони,
Баъзилари олмас тан, ҳатто қодир Худони.
Еру кўда тўзонлар тўзгача шуи замонда,
Дунё аҳли юзанди Ўзбекистон томонда.
Беш оғайни битта мушт, арқон бўлиб эшиди,
Беш оғайни сафига озор Шери қўшиди.
Олти қарвон бир вужуд, битта кўз қош бўлди,
Бу муштасам қарвона Ўзбекистон боти бўлди.
Энди аҳли оламнинг қарашлари ўзгача,
Мажбурдир тан олмақда етти ёндан юзгача.
Ўзбек деса, бир пайтлар, бош чайкаган паррафлар,
Бугун ўзбек Атиша ёғдирмоқда шарафлар.
Бугун ўзбек, Ўзбекорт айланмоқда буретга,
Қаранг, поезд келди-я, олс қўрғон Ургутга.
Ишонмасди ҳеч қачон айтсанг бирон кишига,
Қирган эмас бундай ботм одамзоднинг тушига.
Бугун оқиш бўлбидек наво келди Ургутга,
Чашмадек соф, мусаффо ҳаво келди Ургутга.
Минг-минг йиллик этраклар ҳақиқатга айланди,
Ўзбекистоннинг кўзлари кўндузарга боиланди.
Боиланди, олтин қанот орзулар кўндузарга,
Оқшомлар айландилар қарвон кўндузарга.
Кўш ўлар қошоналар бир-бирини муштасам,
Ҳеч қим ажабланимайди космосдан қўрсак ҳам.
Бугун кўш мисоли чанар барча қарақўз,
Қора кўзлар қатерида жарағалайди битта сўз:
— Дўстлар, жўма-жўмағна дўстон қилиб қарвони,
Чанларга бурқаймиз, Янги Ўзбекистони!!!



Бахтиёр МАШАРИПОВ, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили

Конституциямиз қабул қилинганнинг 33 йиллиги халқимиз учун жуда катта ва муҳим байрам. Шу билан бирга, Бош қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни, инсон қадри ва адолатни таъминлашдаги мислсиз аҳамиятини яна бир бор чўқур англашимиз учун имкониятдир. Зеро, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва қадриятларнинг кундалик ҳаётимизда акс этиши, ҳар бир моддаси инсон манфаатига хизмат қилиши ўзимизга боғлиқ.

Мамлакатимиздаги орта қайтмас ислохотларда инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний

ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ! КОНСТИТУЦИЯ — ОМБУДСМАН ИНСТИТУТИ ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИЛИШИНING ҚАТЪИЙ МЕХАНИЗМИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишида байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш, фуқароларни Бош қонунимизда белгиланган эзгу қадриятлар атрофида бирлаштириш мақсадида қатор вазифалар белгиланди.

манфаатларини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Байрамни муносиб нишонлаш мақсадида эълон қилинган жорий йилги “Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!” деган бош ғоя ҳам барча ислохот ва ўзгаришларда инсон манфаатлари устуворлигидан адолат бермоқда.

Дарҳақиқат, дунёда ишонч ва ўзаро тушуниш тақчиллиги сезилаётган, ўзаро қарама-қаршилик ва жоғролар кузатилаётган бугунги шароитда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи жаҳон ҳамжамиятининг эътибор марказида бўлмоқда.

Ўзи инсон ҳуқуқлари ҳимоясини қафолатламайди — уларни ҳимоя қилиш ва таъминлашга қодир кучли институтлар ва механизмлар мавжуд бўлиши керак. Ана шундай демократик институтлардан бири инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсмандир.

Сўнгги йилларда Омбудсман институти инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка рия этилиши устидан назорат қилувчи мустақил орган сифатида ривожланишининг янги босқичига қадам қўйди.

2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқлари оид нормалар 3,5 баробар ошди ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинликларига оид нормалар бош қонунимизнинг қарийб 50 фойиздан ортигини ташкил қилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 98-моддасига асосан, сайлов ҳуқуқига эга бўлган юз мингдан кам бўлмаган фуқаро, Олий Мажлис Сенати, Марказий сайлов комиссияси билан бир қаторда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари

бўйича вакили (омбудсман) ҳам қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли эканини мустаҳкамлади. Бу Омбудсман институтига нафақат муҳим конституциявий ваколат, балки улкан масъулият ва жавобгарлик ҳам юкляди. Бошқача айтганда, бу аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган муаммоларга тезкор жавоб бериш имконини тақдим этади ҳамда янада адолатли ва самарали қонунлар қабул қилинишига ҳисса қўшади.

Шунингдек, 2022 йил 1 январдан Омбудсманнинг жойларда доимий асосда фаолият юргутувчи 14 нафар минтақавий вакил лавозими жорий қилинди. Мазкур янгиланган Омбудсманнинг жойларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид фаолиятини янги босқичга олиб чиқди.

2024 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда мустақил миллий институт сифатидаги аҳамияти, унинг институционал асосларини тақомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига рия этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Қонунга кўра, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, у давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка рия этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

Ҳужжат билан Омбудсманнинг Олий Мажлисга йиллик маъруза тақдим этишдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг айрим йўналишлари бўйича ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар қўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Эътиборлиси, Омбудсманнинг махсус маърузаси инсонларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича хулоса ёки тақлифлардан иборат бўлади. Омбудсман инсон ҳуқуқлари бузилишига оид мунозараларни тизимли таҳлил қилиш асосида жамоатчиликнинг сигнални Президентимиз, халқ вакиллари ва ҳукуматга билдириб туради. Бу эса, ўз навбатида, оқибат билан курашиш эмас, балки инсон ҳуқуқларига оид қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тизимли чоралар қўрилишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Омбудсман томонидан давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқи белгиланди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилишларида, жумладан, Олий суд пленуми мажлисларида Омбудсманнинг иштирок этиш ҳуқуқи қафолатланди.

Умуман, ушбу қонун Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтининг мустақил миллий институт сифатидаги мавқени янада ошириб, Омбудсман фаолиятининг институционал асосларини тақомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига рия этилишини таъминлаш борасидаги ваколатлари кенгайиши ва Омбудсманнинг парламент назорати институти сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қафолатларини кучайтириш, амалдаги механизмларни тақомиллаштиришга қаратилган комплекс чоралар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — омбудсманга ҳам катта масъулият юклямоқда.

Омбудсман институти парламент назорати институти сифатида ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул сифатида шаффоф ва масъулиятли фаолиятни орқали зарур мувозанатни таъминлаш лозим.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага оид тизимли муаммоларни аниқлаш, ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олишга доир комплекс чоралар қўриш, ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш, соҳага оид қонунчилик ва амалиётни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар бериш янги конституциявий ҳуқуқий ландшафтнинг муҳим таркибий қисмидир.

Шу маънода, Омбудсман институти инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатнинг фуқаролик жамаияти институтилари ҳамда халқаро субъектлар билан мулоқоти ва ҳамкорлигини таъминловчи муҳим кўприк, десак муболага бўлмайди.

Фармойишда белгиланган вазифалар Конституциянинг кенг тарғиб қилиш, унинг моҳиятини аҳолига чўқур ва тушунарли етказиш, янги нормаларни ҳаётга таътиқ этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

АТРОФ-МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Охирги йилларда пойтахтимиздаги экологик вазият, аниқроқ айтганда, ҳавонинг ифлосланиши даражаси анча ошиб кетиши ихтимой тармоқларда кенг муҳомадаларга сабаб бўлаётир. Ўз навбатида, аҳоли саломатлиги учун хавф туғдираётган ушбу экологик муаммонинг сабаб ва ечимлари бўйича турли фикрлар билдириляпти.

Муносабат



Анвар ТҲҲЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги
масалалари ва экология
қўмитаси раиси

Бу хавотирларни инкор этиб бўлмайти. Зеро, барчамизни бирдек ташвишга солаётган бу каби экологик муаммоларни бир-икки тезкор чора-тадбир билан ҳал этиб бўлмаслиги кундек равшан бўлиб борапти.


Пойтахт ҳавоси ифлосланишига бир неча омил сабаб бўлмоқда. Энг асосий манба — транспорт воситаларидан чиқадиغان тўтун ва чиқинди газлар. Пойтахтда машиналар сони йилдан йилга орттиши ҳавога зарарли моддалар чиқарилишини кескин кучайтирган. Қиш мавсумида эса аҳоли ва корхоналар томонидан кўмир ёки паст сифатли ёқилгидан фойдаланиш муаммо кўламини кескин оширмоқда. Қурилиш майдонларидаги чанг-ғубор, яшил ҳудудлар қисқариши, саноат корхоналарининг чиқиндилари ҳам умумий фонни янада оғирлаштирмоқда.

Ана шундай мураккаб шароитда Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши жуда ўринли ва зарур қадам бўлди. Маскур ҳужжат пойтахт экологиясини қисқа муддатли вақтинчалик чора-тадбирлар билан эмас, балки тизимли ва барқарор равишда ислох этишга қаратилган кенг қамровли стратегик дастур, десак муболаға бўлмайти.

Фармоннинг аҳамияти шундаки, унда қурилиш майдонларида чангни камайтириш, иссиқхоналарда энергия самардорлигини ошириш, мониторинг станцияларини ягона платформага улаш ва шаҳарда сув инфратузилмасини кенгайтириш каби ишларни бир-бирига ҳамоҳанг тарзда, яхлит механизм асосида бажариш назарда тутилмоқда.

Фармонга мувофиқ, Тошкентда қурилиш майдонлари назорати кучайтирилади. Бир ҳафта ичида 500 квадрат метр ва ундан катта майдонларда комплекс текширувлар ўтказилиб, майдонларнинг камида 25 фоизи қўқаламзорлаштирилгани, сув пурақигичлар ўрнатилгани, кириш-чиқши йўлларида автотранспорт шиналари ювиладиган ҳавзалар мавжудлиги ва материаллар брезент ёки ПВХ қоплама билан ёпилган ҳолда ташиляётгани текширилади. Чанг ва кўминг ҳавога кўтарилишига йўл қўймаслик талаблари қатъий назоратта олинади.

Ушбу чора-тадбирлар қурилиш майдонларида экологик хавфсизлигини таъминлаш ва шаҳар муҳитида чанг, қўқ ҳамада шу билан боғлиқ зарарли моддалар тарқалишини қисқартиришга қаратилган. Шунингдек, назорат тадбирлари орқали қурилиш компаниялари учун санитария ва гигиена талабларига риоя қилиш мажбурияти янада кучайтирилади. Майдонларда қўлланиляётган сув пурақигичлар ва автотранспорт йўлларидаги ҳавзалар ҳаво сифати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.



ЭКОЛОГИК МУРАККАБ ВАЗИЯТ:

ТИКЛАНИШ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ

Инсон уй қураар, катта-катта шаҳарлар барпо этар экан, яшилликка, табиат уйғунлигига кўп ҳам эътибор бермай қўйди. Бунёд этиляётган уй ҳар қанча ҳашамдор, ҳар қанча баланд ва яшашга қулай бўлмасин, экологик муаммолар қаршисида барчаси йўққа чиқади. Бунни аини кунларда Тошкент ҳавоси ифлосланиши мисолида, қолаверса, ўз кундалик турмушимизда кўриб, танамизда ҳис қиляпмиз.

Аслида, иқлим ўзгариши, глобал исити, ёгингарчилик кескин камайиши, абдий музликлар эриши, ўрмон ва яшил ҳудудлар қисқариши, чўлланиш кенгайиши ва инсониятнинг табиатга аёвсиз муносабати бугунги экологик муаммолар мисолида ўз сўзини айтмоқда. Сўнгги ўн кунликда дунёнинг кўплаб йирик шаҳарларида ҳаво сифати кескин ёмонлашиб, одамлар саломатлиги учун хавфли даражага чиққани қайд этилмоқда. Жумладан, пойтахтимиз ҳавосида ҳам зарарли майда заррачалар миқдори кескин ортган.

Минтақа учун мавсумий ҳол

“Ўзгидромет” раҳбари Шерзодхўжа Ҳабибуллаҳужанин тўшунтиришича, бу ҳолат бир вақтнинг ўзида кучайиб намоён бўлган бир неча табиий омил билан боғлиқ. Хусусан, биринчи омил — кескин ҳарорат алмашлиши ва инверсия. Ноябрьнинг сўнгги ўн кунлигида ҳаво ҳарорати тез ўзгарди. Иссиқ



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



кунлардан совуқ кунларга ўтиш даврида инверсия деб аталувчи табиий жараён юзага келади. Инверсия пайтида совуқ ҳаво пастда, иссиқ ҳаво юқориди қолади ва ҳаво қаватлари аралашмайди. Шу боис, майда заррачалар паст ҳаво қатламида тўпланиб, қисқа вақтда концентрация кескин ошади. Бу жараён Тошкент, Олмаота, Бишкек, Душанбе каби шаҳарларда ҳар йили ноябрь-февраль ойларида кузатилади.

Иккинчи омил — ёгингарчилик йўқлиги. Ноябрь ойи бошидан бунён Тошкентда даярли ёғим ёғмади. Учинчи омил — арид жараёнларнинг кучайиши ва табиий чангланниш. Ўзбекистон табиий жиҳатдан қуруқ ва яримқуруқ иқлим ҳудудида жойлашган. БМТ экспертлари бу минтақани дунёда арид жараёнлар энг тез кечаётган маконлардан бири сифатида қайд этган. Шу боис, минтақа учун майда заррачаларнинг муайян даражада сақланиб туриши табиий ва мавсумий ҳолдир.

Сабаб ва оқибатлар

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси мутахассислари ҳам Тошкент шаҳрида ҳаво ифлосланиши сабаблари ва таъсир этаётган омилларни ўрганди. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, қўмита пойтахтимизда ҳаво ифлосланиши сабаблари ва таркиби, шунингдек, вазиятни яхшилаш режалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этди.

Қўмита вакиллари ҳаво сифатига табиий ва антропоген (инсоннинг табиатга таъсири билан боғлиқ) омилларнинг биргаликдаги таъсирини эътироф этиб, инсон саломатлигига таъсир қилувчи энг хавфли турдаги ифлослантирувчи моддалар — РМ2,5 (диаметри 2,5 микрометрга) майда дисперс заррачалар ҳосил бўлишининг асосий манбаларини санаб ўтди.

Сўнгги кунларда Ўзбекистон ҳудуди ҳарорат инверсияси таъсирида бўлди.

Қўмита вакилининг билдиришича, сўнгги беш йил давомида вазият янада оғирлашган. Иқлим ўзгариши туфайли илгари бундай ҳо-дисалар йилига икки-уч марта содир бўлган ва узок давом этмаган.

Қўмита маълумотларига кўра, 2021 йил ноябрь ойида пойтахтни метеокүзатувлар тарихида биринчи марта қўм-чанг тумани қоплаган. Ўшанда у бир неча кун сақланиб турганди. Шундан сўнг иқлим ўзгариши туфайли юзага келган салбий ҳо-дисалар тез-тез намоён бўла бошлади.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти директори Дониёр Турғуновнинг айтишича, Ўзбекистон сайёраининг энг чангли ҳудудларидан бирида жойлашган:

табиий чангнинг улуши 36 фоиз атрофида. Шунингдек, бошқа сохалар — иситиш (28 фоиз), транспорт (16 фоиз), енгил саноат (7 фоиз), оғир саноат (6 фоиз), шаҳар чанги (6 фоиз), чиқиндилар (1 фоиз) ҳам бунга ҳисса қўшмоқда.

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри атрофида 6517 та иссиқхона мавжуд бўлиб, улардан 2925 таси ишламаяпти. 1800 дан орт-қ иссиқхона филтисиз, 100 таси филтёр ўрнатган. 3592 та иссиқхона кўмир (баъзилари майдаланган шиналардан фойдалана-ди), 53 таси газ билан иситилади. 2822 та иссиқхона учун ёқилги талаб этилмайди.

Куз-қиш мавсумида (беш ой) 1 гектар иссиқхонани иситиш учун 175 минг куб метр газ керак бўлади. Иссиқхоналарга эга жисмоний ва юридик шахслар учун жами 104,4 миллион куб метр газ талаб этилади.

Ҳар кун Тошкент бўйлаб 1 миллионга яқин транспорт воситаси ҳаракатланади. 650-700 минг автомобиль рўйхатга олинган ва яна 300-350 мингтаси виллятлардан кириб келади. Беш йил олдин бу рақам икки баравар кам бўлган.

Фаррух Сатторовнинг айтишича, кўп йиллар давомида ҳаво ифлосланишига эски автомобиллар ва юк машиналари ҳисса қўш-ган. Уларнинг 34 фоизи ёки 264 мингтаси 2010 йилгача, 9,6 фоизи ёки 75 мингтаси 2000 йилгача ишлаб чиқарилган. Сўнгги йилларда электр ва гибрид автомобиллар то-бора кўпайиб бормоқда, шунингдек, кўп-лаб автомобиллар газда ҳаракатланади. Жамоат транспортининг катта қисми экологик талабларга жавоб берадиган транспортга ал-маштирилди.

“Шамол атиргули” ўзгарган

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, шаҳарда “шамол атиргули” ўзгарган. Илгари Тошкентда шамол йўналиши нисбатан барқарор эди. Аммо бу омилни ҳисобга ол-масдан баланд биноларни оммавий равишда қуриш ҳаво айланлишини бузди. Ҳаво оқим-лари тўсрилиб қола бошлаган.

Шамол режими ўзгаришига тоғ жинсларининг қурилиш учун қазиб олиниши ту-файли дарёларда сув сатҳи пасайиши ҳам таъсир қўрсатди. Чирчиқ дарёси ва бошқа сув оқимлари сатҳи пасайиб, ҳаво оқимла-рининг сув юзаси билан ўзаро таъсири су-сайган. Ҳарорат ўзгариши ва ҳаво ҳаракати бир-бирига боғлиқ. Дарёлар сув камайиши ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшди.

Тезкор чоралар ва аниқ вазифалар

Давлатимиз раҳбари ушбу жиддий вазиятдан келиб чиқиб юртимизда юзага келган экологик вазиятни яхшилашга қаратилган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаоли-ятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги қарор ва “Тошкент шаҳрида эколог-ик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзолади.

Ушбу ҳужжатларда экологик ҳолатга жавоб берадиган тузилманинг бошқарув тизими тақомиллаштирилиши билан бирга ваколатлари ҳам кенгайтирилди. Шунинг-дек, кечиктириб бўлмайдиган қатор чоралар белгиланди. Хусусан, қарорга мувофиқ, эн-дликда аҳолини сифатли ва экологик тоза ёқилги билан таъминлаган ҳолда АИ-80 бензинини АЕКШларда сотишининг олдин-ни олиш бўйича қатъий назорат ўрнатилади.

Шунингдек, республикада 18 та ден-дрология ва 15 та ботаника богини ташкил этилиши назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади. Қури-лиш учун ажратилган объектларда қурилиш бошланишидан олдин курувчи ташкилотлар томонидан фон мониторинг станциялари ва онлайн самаларлар ўрнатилади. Тошкент



шаҳри ўрмон ҳўжалиги ташкил этилади. Пойтахт ва унинг атрофидаги ис-сиқхоналарни табиий газ билан барқарор таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқи-лади. Тигиз вақтларда шаҳарда юк машина-лари ҳаракати чекланади. Биноларни лойи-ҳадада шамол йўналиши ва тезлигини инобатга олиш талаби қўйилади. Даракт ва буталарни санитария мақсадида кесиш ёки кесмаслик ҳақидаги қарорлар коллегиял овоз бериш орқали қабул қилинади.

Фармонга мувофиқ, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан ке-чиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилди. Энди Тошкентда қурилиш майдон-лари назорати кучайтирилади. Бир ҳафта ичида 500 м² ва ундан катта қурилиш май-донларида комплекс текширувлар ўткази-либ, камида 25 фоизи қўқаламзорлашти-рилгани, сув пурақигичлар ўрнатилгани, кириш-чиқши йўлларида автотранспорт, гирираклари ювиладиган ҳавзалар мав-жудлиги ва материаллар брезент ёки ПВХ қоплама билан ёпилган ҳолда ташиляётгани текширилади. Чанг ва кўминг ҳавога кўта-рилишига йўл қўймаслик талаблари қатъий назоратта олинади.

Катта қурилиш майдонларида мони-торинг станциялари мажбурий бўлади. Май-дони 1000 м²дан орт-қ объектларда мони-торинг ускуналарини ўрнатиш ва Экология қўмитаси тизимига улаш қурилишни давом эттиришининг асосий шарти этиб белгилан-ди. Шунингдек, йўл бўйларида даракт ва буталарни мунтазам ювиш, кўп квартири-ли уйларда сўғориш учун резервуарлар ўрна-тиш чоралари қўрилади.

Пойтахтда микроклим барқарорлигини таъминлаш бўйича йирик лойиҳалар бошла-нади. Уч ой муддатда шаҳарнинг тўрт йўна-лиши бўйлаб камида учтадан сунъий кўл ва сув ҳавзаси барпо этилади. Шу билан бирга, икки ҳафта ичида Тошкентдаги фавворалар сонини камида икки баравар кўпайтириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилади ва тақдим этилади.

Иссиқхоналар бўйича назорат кескин кучайтирилади. Бир ҳафтада иссиқхона-ларни табиий газ билан таъминлаш бўйи-ча шартномалар тузилади. Шунингдек, 200 м²дан орт-қ иссиқхоналарда чанг тарқа-тиш ва экологик талабларни бузиш билан боғлиқ қонунбузишлар учун жарималар оширилади, ёқилги ёқилиши ҳолатларида эса объектларни давлат фойдасига мусодара қилиши назарда тутувчи жиноий жавобгар-лик тартиби жорий этилади.

2025 йил охиригача атмосфера назора-ти тўлиқ модернизацияланади. 347 та ав-томатлаштирилган станция сотиб олиниб, “Air Monitoring Tashkent” тизими Экология қўмитаси бошқарувига ўтказилади ва умум-миллий “Air Monitoring Uzbekistan” плат-формасига интеграция қилинади. Гидро-метеорология хизмати станциялари ва “Замин” фонди ўрнатган постлар ҳам ягона мониторинг тизимига уланади.

Қўриляётган тезкор чоралар сўнгги бир-икки кунда ўз самарасини бермоқда. Расмий манбалардан эълон қилинаётган маълумотларда ҳам атмосферадаги зар-рарли майда заррачалар миқдори кундан кунга сезиларли даражада камайиб бора-ётгани кўринмоқда. Эндликда мажбу-рий йўналишда қилинаётган ишлар суръати ва қатъият пасаймаслиги муҳим. Шундагина ҳавомиз мусаффо бўлиб, ҳаётимиз учун хавф туғдирадиган экологик муаммолар чекинади.

Юнус БҲРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янгича ёндашув

ОРГАНИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ — БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Бугун органик маҳсулотларнинг жаҳон бозоридagi умумий қиймати 225 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этади. Ушбу рақам истикболда ҳар йили 10 фоиз ўсиши кутилмоқда. Мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳиятидан келиб чиқиб, сифатли ва талаб юқори бўлган органик маҳсулотлар етиштиришда илмий изланишлар ҳамда селекция, саноат кооперацияси, логистика алоқаларини кучайтиришга эътибор ошди.



Одилжон ИБРОҲИМОВ, Фаргона давлат техника университети профессори

Президентимиз Туркий давлатлар ташкилоти саммитидagi нутқда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва етказиб беришда мамлакатларимиз дунё етакчиларидан бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Бу бежиз эмас, албатта. Дунё аҳолиси кун сайин ортиб бораётгани, жаҳондаги бекорор вазиятда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича қатор вазифаларни амалга ошириш тақозо этилади. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда асосий мақсад табиат ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиб, одамлар ҳаёти учун хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдан иборат. Бу жараёнда хомашёни қайта ишлаш, илм ва технологиялар, тайёр маҳсулот таъминоти асосида амалий ҳамкорлик дастурини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Генетик модификацияланган организмлардан фойдаланишга мутлақо йўл қўйилмайди. Шунингдек, ноорганик ўғитлар, синтетик пестицидлар ва ўсимлик ўсишини тезлатувчи агрохимикатлар воситалар, генетик модификацияланган организмлар ишлатилмайди. Органик деҳқончилик учун халқаро ва миллий стандартлар мавжуд бўлиб, етиштирувчилар органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга

олиб чиқишдан олдин махсус сертификатга эга бўлиши шарт.

Оддий фермер хўжаликларини органик маҳсулот етиштирувчи хўжаликка айлантириш учун бир неча йил керак бўлади ва бу тизим давлат томонидан мунтазам назорат қилиб борилади. “Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти” дея сертификатланган озиқ-овқат маҳсулотлари жуда қиммат баҳоланади ва сотилади. Туркиянинг Измир, Адана вилоятларида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликлари фаолияти билан танишганимизда, туپроқнинг юза қопламада бошқача ҳолатни кузатдик. Апельсин, мандарин, хурмо дарахтлари экилган плантацияларнинг қатор ораларида фақат туپроқ унумдорлигини соғломлаштирадиган дуқакли экинлар экилган. Бу ерда, аввало, табиатда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, табиий экологик мувозанат ва экотизимни сақлаш учун синтетик минерал ўғитлар,

пестицидлардан воз кечилганига гувоҳ бўлдик. Ушбу амалиётни мамлакатимиз деҳқончилигида қўллаш учун ҳам барча шарт-шароит мавжуд. Айни пайтда юртимизда 671 та агрокластер фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири 5 гектардан ерда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг йўлга қўйса, 3355 гектар, шунингдек, 91 мингдан зиёд фермер хўжалиги ҳам 2 гектардан экин майдонида органик қишлоқ хўжалиги ташкил этса, 182 минг гектар ерда соф органик маҳсулотлар етиштирилади. Бундан ташқари, 5,5 миллиондан ортиқ томорқа эгаси мавжудлигини инобатга олсак, органик қишлоқ хўжалиги майдонлари маҳсулдорлиги янада ортади. Кейинги ўн йилликда юртимиз аҳолиси 50 миллион кишига етиши кутилмоқда. Бу давлатимиз олдида озиқ-овқат

билан барқарор таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажминини камида 1,5 баробар ошириш вазифаларини қўймоқда. Албатта, буни бирдан бажариб бўлмайди. Лекин барқарор, соғлом экологик турмушнинг таъминлаш, табиий тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш орқали одамларнинг саломатлигини сақлаш, экотизимни асраш мумкин. Мамлакатимиз органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда жуда катта имкониятга эга. Серқуёш, унумдор заминимиз, меҳнаткаш халқимиз бор. Энди аввалгидек сувни беҳудда оқизиш, ўғитларни дала бошига тўкиб ташлаб, қаровсиз қолдириш ярамайди. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда далага экилган экин ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Яратилган ва жамғарилган



ҳар бир маҳсулотдан тежаб-тергаб фойдаланишни ўрганишимиз зарур ва шарт. Чунки дунё бозоридagi органик маҳсулотлар нархи бошқаларига нисбатан 2-3 баробар қиммат. Бугун юртимизнинг 10 та туманидаги 3900 гектар майдонда органик сертификат асосида маҳсулот етиштирилади, холос. Пахта ва бутдой майдонлари ҳамда томорқа учун берилган 260 минг гектар ернинг 26 минг гектарини органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ажратиб, сертификатлаштириш мумкин. Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғинларидаги мутасаддилар шундай ерларни топиб, махсус сертификат билан расмийлаштириш зарур. Фаргона шаҳридаги “Сурхтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 4197 киши 46,8 гектар томорқага эгалик қилади. Улар лимон, апельсин, сабзавот, кўкатлар, қўзқорин, помидор, бодиринг барча турдаги мевалар етиштиришда синтетик ўғитни мутлақо ишлатмайди. Ана шундай хонадонларни саралаб, ҳар ўнтасидан 2 тасида органик маҳсулот етиштириш ишлари олиб бориляпти. Бу ерларнинг туپроғи, суви, ҳавоси органик маҳсулотлар етиштириш учун табиий қулай. Шундай қилинса, 35 минг гектар ерда органик маҳсулот етиштириш имкони пайдо бўлади. Баъзи хонадонлар

10-12 сотих ерга камида 20-30 тоннадан органик ўғит солиб экин эгалига одатланган. Уларни аниқлаш, раббатлантириш, иш тажрибасини оммалаштириш муҳим вазифалардан. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришда адашмаслик учун фермер хўжалиги раҳбарлари, томорқачиларни ўқитиш, билим ва малакасини ошириш муҳим. Келгуси уч йилда мамлакатимизда 100 минг гектар ерда органик маҳсулот етиштирилади. Бунинг учун 10 та агрологистика маркази, мингдан ортиқ советикчи омборхона ташкил этиш, 40 минг гектардан ортиқ саноатлашган интенсив мевали бог ва узмзорлар барпо этиш борасида иш олиб бориляпти. Шунингдек, органик қишлоқ хўжалиги майдони ташкил қилган фермер ва деҳқонларга ерларини лазер билан текислаш харажати давлат томонидан қоплаб берилади. “Органик”, “Глобал GAP”, “Халол”, “Кошер” каби сертификатларни олиш харажати учун тадбиркорларга субсидия ажратилиши белгиланган. Бу органик маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, мазкур чора-тадбирлар натижасида келгуси йилда мева-сабзавот экспорти савдоси қиймати 3,5 миллиард долларга етказиш имконияти бор.

III

Энди “Хол тили билан сўзламак” деган иборанинг мазмуни билан танишинг. “Хол тили билан сўзламак” деганда, асосан тил-сиз мавжудотнинг сўзсиз бир нарсани билдириши тушунилади. Зийрак кишилар ҳар бир нарсани кўрганда унинг кўринишини ўзлаштириш билан чекланмай, ҳар жиҳатдан мулоҳаза қилиб, моҳияти ҳақида фикр юритадилар, сабаб ва натижасини кўз олдида келтирадилар, фойда ва зарарини аниқлайдилар. Шу билан боғлиқ ўзга нарса ва воқеаларни ҳаёлига келтириб, ўзи учун тегишли хулоса чиқариб оладилар. Натижада ўша нарса бундай кишига сўз воситаси билан эмас, ўз ҳоли орқали ўша воқеаларни сўзлагандай бўлади. Шунини “хол тили билан сўзламак” ёки “забони хол билан демек”, дейдилар. Масалан, эсли боланинг тамаки ёки наша қабилини чекишини хол тили билан бундай дейиш мумкин: “Мен иродасиз, ўзини тиймайдиган болаларни чекишга ўргатиб, уларни турли дардларга гирифтор қиладиган захарли гиёҳман. Мендан ҳосил бўладиган бадбўйлик фақат чекувчининг оғзини эмас, атрофдагиларнинг димоғини ҳам ноҳуш қилади. Менинг тутуним кашанданигина эмас, унга яқинлашган кишининг ҳам соғлигига зарар келтиради. Менинг ису қурумим фақат менга тутқун бўлган кишини йўталу балғам билан безовта қилмасдан, уйдагиларнинг уйқусини ҳам ҳаром қилади. Менинг таркибимдаги оғу фақат чекувчининг ўпкасино бошқа марказ мўчалларини азобли касаллар билан захарлаб қолмай, унинг наслини ҳам дардаманд қилади”.

Хол тили мавжудот сирларини баён қилувчи бадий восита бўлгани учун у шоирлар тилида ҳам намоеён бўлади. Машҳур шоир Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” деб аталган асарига найнинг хол тили билан айтилган сўзлари муқаддима бўлган:

Тингла найин, не ҳикоятлар қилур,
Ул жудолиткин ишкоятлар қилур:
То қамшиликтин кесилгандин буён,
Ушми эр-хотин айларлар фиён.
Кўкраганим тилка-тилка айласам
Иштиёқим дарди шарҳин сўйсасам.
Кимки, айру тухси сар ўз аслидин,
Баҳра топмоқ истасун ўз васлидин.
Мен қилурмен нола турлуг зодга,
Жуфт айлаб қайғулуғени шодга.
Узича ҳар қиш менга ёр эрур,
Билмас, аммо ичма не сир бор эрур.
Сирларим ноламдин эрмостур йирок,
Сезмагай лек ани кўз билан қулоқ,
Жонсизин тан, тансизин жон йўқ турур,
Жонни кўрган киши лекин йўқ эрур.
Най уни ўт эрур аслан, ел эмас,
Кимда бу ўт бўлмаса, ул эл эмас.
Ишқ тушқиндур ул ўтким, нойдадур,
Ишқиндур ул қизиким, майдодур...

“Тавозу” сўзи ахлоққа оид сўзлардан бўлиб, кишининг ижобий хислатларидан бирини билдиради. “Тавозу” деганда ўзгаларга нисбатан камтарона муносабатда бўлиб, эғлиб салом бериш, тазъим қилиш, улуғлаш тушунилади. Тавозу муомалада ўзни кичик олишдир. Бунинг зидди “такаббур” бўлиб, бу ўзни катта олиш, ўзни улуг деб ҳисоблаб, ўзгаларга катталик қилишдир. Тавозули кишини “мутавозиб”, такаббур шахсни — “мутакаббир” дейдилар.

“Тўрт фазилат” деган ибора ҳам бор. Бунга биринчи ҳикмат, иккинчи шижоат, учинчи ифбат, тўртинчи адолат қиради. “Ҳикмат” сўзи фазилат билдирганда шундай тушунилади: ҳикмат назарий ва амалий қувватлардан иборат бўлиб, зако, зехн сафоси, ҳусни тааққул ва таҳаффуз деб аталган тўртта хислатни ўз ичига олади.

Назарий қувватдан мурод кишининг мавжудот ҳақиқатини англаб, ўз имконияти доирасида мутлақ борлиқни идрок этишидир.

Ҳикматнинг амалий қуввати эса шахсининг ахлоқини яхшилаб, эзгу ишлар қилишга ўзини одатлантира олишидир.

Зако кўп нарсани қуқур ўрганиш натижа-сида киши онгининг кучайиб, сезиб билина-диган нарсалар асосида мантикий натижалар чиқариб, сезги аъзолари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни англай олишидир. Закога шундай бир мисол келтириш мумкин. Абу Али ибн Сино зарабин, яъни микроскоп йўқ пайтда юқумли касалликлар турли микроблар тарқатишини касалнинг тарқалиш хусусияти-га асосланиб билган. Яна бир мисол: сувнинг буг, булут, ёмғир, дўл, қор ва муз шакллари-ни олиши сингари ҳодисалар асосида олимлари-миз, коинотнинг асли ягона бўлган деб хулоса чиқарган.

Тўртинчиси, тавозудир. Тавозу ўзгаларга, айниқса, мартаба ва фазилатда ўзидан қуйи бўлганларга нисбатан ўзини улуг деб билмас-лиқдир.

Бешинчиси, ҳамият бўлиб, бу ўз халқининг ва ўзга элларнинг урфу одатларини хур-мат қилиш, жамиятнинг қонун-қоидаларига риоя этиш, оиласининг, дўстларининг шара-фини сақлашдан иборат.

Олтинчиси, “риққат” деб аталади. Риққат кишининг ўз жинсига, яъни жони бор ҳамма нарсасга раҳмдил ва шафқатли бўлиши, ўза-ларнинг дарду аламларини, қийин аҳволини ҳисобга олиш, шунга яраша, лекин изтиробга тушмасдан амал қилишдир.

Энди ифбатга келдик. Ифбат деганда шаҳват, яъни лаззат ва манфаатга интилиш-нинг ақлга бўйсундирилиши тушунилади ва бу етти нарсани қамраб олади.

Биринчиси, ҳаё бўлиб, бу уят ва енгилтақлиб ҳисобланган ишлардан тийи-лишдир.

Иккинчиси, ҳусни ибтидо бўлиб, бу яхши хислатларни эгаллаш ва имкон борича ўз яқинларининг огирини енгиллатишга ҳаракат қилишдир.

Учинчиси, сабр бўлиб, нафсоний қувват-ларни жиловлашдир.

Тўртинчиси, қаноат бўлиб, еб-ичмак ва кийинмақнинг бориға рози бўлиб, имкон ва зарурат даражасидан ортигини талаб қилмас-лиқдир.

Бешинчиси, виқордир. Виқор талаб қилинган нарсаларга эришишга ишонч ва бу йўлда шошма-шошарлик қилмаслиқдир.

Олтинчиси, “хайрият” деб аталади. Хайрият маишатни ҳалол кечириш, молни яхшилик билан топиб, яхшиликка сарф қилишдир.

Еттинчиси, саховат бўлиб, бу ачинмасдан ва аямасдан, лекин ҳаддан оширмасдан, мол-ни керак бўлган ўринларда ўзига, яқинларига ҳамда муҳтожларга сарф қилиш малакаси-дир.

Шу ўринда нотўғри фикр ҳосил бўлмасли-ги учун бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак. Биз ҳозир мазкур атамаларга тўрт фазилат деган ахлоқий таълимот нуктаи назаридан маъно бердик. Бошқа ўринларда мазкур сўз-ларнинг маъноси ўзгачароқ бўлади. Масалан, “адолат” сўзи урфий маънода ёки адлия тер-минини сифатида қўланганда садоқат, вафо ва таслим каби тушунчаларни қамраб олмайди. Буни назардан қочириш керак эмас.

Албатта, “маъно аҳли” деган иборани эшитгансиз. Энди шу иборанинг мазмуни билан танишинг. Маъно аҳли сўрат аҳлининг зиддидир. Ҳар бир нарсанинг ва ҳар бир ҳо-ди-саннинг суварти ва маъноси бор. Ҳозирги фи-лософияда суваратга “шакл” ва маънога “маз-мун” дейилади. “Шакл” ва “мазмун” сўзлари русча “форма” ва “содержание” сўзларининг таржимасидир. Фалсафий термин сифатида “шакл” ва “мазмун” сўзлари ишлатиладиган бўлгандан кейин “маъно” ва “суварат” сўзлари махсус фалсафий маънода эмас, умумий маъ-нода қўллана бошлаган. Лекин эски асарлар-да фалсафий ағам маъносига, яъни “шакл” ва “мазмун” сўзлари ўрнида “суварат” ва “маъ-но” сўзлари қўлланади.

“Суварат аҳли” деб ҳар бир нарсанинг та-шқи кўринишига қараб, унга юзаки муно-сабатда бўладиган кишиларга, “маъно аҳли” деб нарса ҳамда ҳодисаларнинг сабаби, на-тижа ва оқибатларини ўйлаб, оқилона муноса-батда бўладиган шахсларга айтилади. Маса-лан, нонга муносабатни олсак, суварат аҳлига мансуб киши унинг бозордаги ёки дўкондаги нарҳига қараб бир тангалик арзон нарса деб ўйлайди ва уни увол ва исроф қилишдан тор-тинмайди. Агар шу бир тангалик нон бир-ик-ки қун топилиб, кишиларнинг қандай аҳволга тушилиши, ҳозир дунёда неча мил-лионлаб одамларнинг қорни нонга тўймай но-бод бўлаётганини ҳаёлига ҳам келтирмай-ди. Элидаги фаровонлик ўз халқининг кеча-ю кундуз тинмай қилаётган меҳнати натижа-си эканини билмайди.

Маъно аҳлига мансуб инсон эса ўша бир тангалик нон вужудга келиши учун деҳқон қуздан бошлаб ер ҳайдаб турли ҳозирликлар-ни кўриб, донни экиб, унга тинмай ишлов бериб, ундириб, пишириб, сўнгра зазира-ма иссиқда уни ўриб, хирмон қилиб, янчиб, донни давлатга топширишини, ундан сўнг у

тегирмончи ёки элеватор ишчиларининг қат-тиқ меҳнати натижасида ун бўлишини, кейин новвойлар туни билан ухламасдан унни нон қилиб чиқишини, мабодо шу нон бўлмай қолса, уларнинг аҳволи қандай бўлишини, дунёда аҳолиси нон тополмай касал ёки ҳа-лоқ бўлаётган мамлакатлар борлигини, кеча-ю кундуз фикри нон билан боғлиқ муаммолар-ни ҳал қилиш билан банд бўлган минглаб олимлар мавжудлигини, инсонни нон билан таъминлашда бутун табиатнинг, кўёш, ер, сув, ҳаво, турли-туман элементларнинг ишти-роки борлигини ҳисобга олади ва шунчалик бебаҳо неъматни бир тангага тақдим қи-лаётган меҳнаткаш халқига ташаккур айтиб, уни қадрлаб истемол қилади ва ўз бурчини ўрнига қўйиб адо этади, халқига ҳалоллик ва мамнуният билан хизмат қилади.

Маъно аҳлига хос хислатлардан бири та-вовзудир.

“Тавозу” сўзи тўлиқ ва мукаммал ёзил-ганда охирига айириш белгиси қўйилади. Аммо ҳозирги орфографик қондамизга биноан сўз охирида улидан сўнг ва сўз ўрта-сида икки унли орасида айириш белгиси ту-шириб қолдирилади. Ўзбек тилидаги ёзувда айириш белгиси бўғиз ундоши “ъ”ни билди-ради. Бу ундош сўз охирида тушиб қолади ва ундан олдинги унлининг чўзиқ талаффуз қилинишига сабаб бўлади. Шунга биноан за-монавий матида айириш белгиси туширилса, ха-то ҳисобланмайди. Аммо классик матида тушириб бўлмайди...

“Тавозу” сўзи ахлоққа оид сўзлардан бў-либ, кишининг ижобий хислатларидан би-рини билдиради. “Тавозу” деганда ўзгалар-га нисбатан камтарона муносабатда бўлиб, эғлиб салом бериш, тазъим қилиш, улуғлаш тушунилади. Тавозу муомалада ўзни кичик олишдир. Бунинг зидди “такаббур” бўлиб, бу ўзни катта олиш, ўзни улуг деб ҳисоблаб, ўз-галарга катталик қилишдир. Тавозули киши-ни “мутавозиб”, такаббур шахсни — “мута-каббир” дейдилар. Баззан оддий сўзлашувда “мутакаббир” сўзи ўрнида “такаббур” ва “мутакаббирлик” ўрнида “такаббурлик” сўзи ишлатилади. Сўз усталари “такаббур” сўзини ўзини катта тушуниш маъносига ва “мутакаб-бир” сўзини ўзини катта тутувчи киши маъ-носида қўллади. Демак, агар биз “такаббур ёмон хислат” ва “мутакаббир — бир ёмон киши” десак, бу сўзларни тўғри ишлатган бўламиз.

Халқ орасида “Эгилганга эгилгин бошинг ерга теккунча, кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча” деган мақол бор. Мана шу мақолдаги “эгилган” сўздан мурод мутавози ва “кеккайган”дан мурод мутакаббирдир.

Оғаҳий ўзининг бир ғазалини: “Юзинг очким, кўёш сақанг бўлуб бошингдин айлансун, Янеи ой юз тавовуз кўргузуб қошингдин айлансун!” деган матла билан бошлаган. Бунда шоир янги ойга нисбатан “тавозу” сўзини

ишлатган. Янги ой, яъни ҳилол тавозу қилиб турган кишига ҳам ўхшайди, кишининг қо-шига ҳам. Шоир мана шундан фойдаланиб, ўз манзурининг қошини мақтаган. Оғаҳий мақбубасига янги ой сенинг қошингчалик гў-зал эгма шаклга ва қадрга эга эмас. Шунинг учун унинг эгиклиги сенинг қошинга тан бериб, тавозу қилганидан ва унинг осмонда айланиб юриши, сенинг қошиндан айланга-ни ва ўзини унга қурбон қилишга ҳозирлиги-дандир дейди.

Шоирнинг кўёшини машшуканинг юзига, ойни қошига садқа қилишига бирор реал асос борми?

Бор, албатта. Бунинг воқеий асоси шукки, инсон оламнинг энг етук махлуқи ҳисоблана-ди ва бутун табиат инсон учун хизмат қилади. Улуг шоир ва буюк мутафаккирларимиз ин-соннинг ўзга мавжудотдан устунилини таъ-кидлаш билан кишиларни бир-бирини қаттиқ ҳурмат қилишга даъват этади. Уларнинг наъ-дида шахсий манфаат учун ўзгаларни хорлаш борлиқ қонунига зид ҳаракат ҳисобланади ва бундай хатти-ҳаракат коинот қонунарига зид бўлгани учун кишини ёмон оқибатга олиб ке-лади.

Энди тавозуга Навоий тили билан яқун ясасак. Улуг шоиримиз ўзининг “Маҳбуб ул-қуллуб”ида тавозунинг фазилатлари ҳақида бундай дейди: “Тавозу” халқни киши маҳаббатига шефта қилур ва улусни фонли маваддига фирефта қилур. Дўстлуг гулшанида назорат гуллари очар ва ул гулшандин унсу уфлат базмида турлуг гуллар сочар. Мутакаббир душманга мулоамат сари йўл кўргузув ва муъжиб хасм хотирига инсоният завқини ўлтурғузув. Так-рори ҳаёсиз муддаини уят сарҳаддига бош-қарур ва теъдоди инсофсиз адувни амонлик-дан ўтқарур.

Агарчи барча элдин ҳўбдуру бари хало-йқиндин марғуб, аммо сарафрозлардин ҳў-рокдуру бериёзлардин марғуброқ. Абнойи жинсдин бир-бирига мустаҳсалу, ақобирдин асоғирга ахсан. Саҳо қилмай элни шод қилу-ру ато кўргузмай кишини ғамдин овозд қилур”.

Демак, тавозу бир жиҳатдан мутавозени эл ҳурмати ва халқ муҳаббатига сазовор қилса, иккинчи жиҳатдан бировни менсимайдиган-ларни одамийликка, инсофсиз душманларни инсофга келтирар экан. Ушундай кишиларни тарбиялаб, тўғри йўлга солишда тавозунинг аҳамияти катта экан. Қайси жамиятда тавозу ортиқроқ бўлса, шу жамиятда аҳиллик, бир-дамлик, ҳамжиҳатлик ортиқроқ ва бундай жа-мият ташқи душманлар ҳавфидан эмин бўла-ди. Чунки ташқи душман, биринчи навбатда, ички душманликдан фойдаланади. Улуг ва азиз кишиларимизнинг тавозуга алоҳида аха-мият берганликларининг сабаби мана шунда.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФБАСИДА
ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-КОДНИ
СКАНЕР ҚИЛИНГ.

